



ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жорий йилнинг 9 июнь куни Чирчиқ шаҳридаги “Кимёгарлар” маданият саройида “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Робахон Махмудова сайловчилар билан учрашди.

Тадбирда партия фаоллари, депутатлар, меҳнат фахрийлари, фаол хотин-қизлар ва ёшлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Учрашув аввалида ишончли вакил – “Адолат” СДП вилоят кенгаши депутати Гулнора Аҳмедова номзоднинг таржимаи ҳоли ва фаолияти тўғрисида атрофлича маълумот берди. Шундан сўнг Президентликка номзод Робахон Махмудова ўз Сайловолди дастурида илгари сурилган устувор ғоялар, мақсадлар, асосий масалаларни сайловчилар эътиборига ҳавола этди.

Номзоднинг Сайловолди дастурида Ватанимиз тараққиёти йўлида ҳуқуқий демократик, ижтимоий давлат ва барча учун фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг социал-демократик модели таклиф этилаётганлиги таъкидланди.

Хусусан, номзод дастурида инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлиги тан олинди, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт ке-

чириши учун зарур шароитлар яратиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, мамлакатимизни эркинлик, адолатчилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари ҳукмронлик қиладиган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган кучли ижтимоий давлат сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришиш каби вазифа ва мақсадларга алоҳида эътибор қаратилган.

Қолаверса, дастурда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги ҳақидаги конституциявий принцип давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида таъкидланиб, халқ ҳокимиятининг ёрқин тимсоли

бўлмиш вакиллик демократияси институтининг роли ва аҳамиятини янада ошириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, жамиятнинг инновацион, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва инсон капитални ривожлантириш каби масалаларда изчил таклифларнинг илгари сурилаётгани йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Конструктив руҳда, қизғин савол-жавобларга бой бўлган учрашув сўнггида тадбир қатнашчилари юрт равнақи, фуқаролар фаровонлигини таъминловчи муҳим сиёсий тадбирларда фаол иштирок этишларини билдиришди.



2023
9-IYUL

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SAYLOVI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SAYLOVIGA

22

KUN QOLDI

KUCHLI VA ADOLATLI JAMIYATGA IJTIMOIY BIRDAMLIK ORQALI ERISHAMIZ!

✓ 9-IYUL

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

MAXMUDOVA
ROBAHON



«АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTLIGIGA НОМЗОД РОБАХОН МАХМУДОВАГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



1 Айнан шу каби учрашув жорий йилнинг 12 июнь куни сурхондарёлик сайловчилар билан ташкил этилди.

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги "Санъат саройи"да ўтказилган учрашувда Президентликка номзод тadbир иштирокчиларини ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари билан яқиндан таништирди.

Унга кўра номзод дастурида илгари сурилган 9 та устувор мақсад, яъни "Ҳуқуқий давлат қуриш – пировард мақсадимиз", "Ижтимоий адолатни ва миллий иқтисодий тизимнинг барқарор ўсишини таъминлаймиз", "Илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасининг барқарор ривож – тараққиётимиз кафолати", "Аҳоли саломатлиги – улкан бойлик" каби йўналишларда қонуни устуворлигини таъминлаш, тиббиёт ходимлари ва ўқитувчи-педагогларнинг мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, замонавий технология ва даволаш усулларини кенг жорий қилиш, "Ақлли тиббиёт" тизимини шакллантириш вазифалари белгиланганлиги алоҳида таъкидланди.

Тadbир жараёнида номзод дастурини ўрин олган ижтимоий соҳага оид тақлифларига тўхталаркан, "Ижтимоий давлат – 2030" дастури ва "Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми тўғрисида"ги қонуни қабул қилиш, дориларнинг ягона электрон базасини такомиллаштириш орқали уларнинг ноқонуний айланмасига, фармацевтика ва тиббиёт ходимларининг яширин келишувларига чек қўйиш ҳамда нархларнинг асосий оширилишининг олдини олиш, йўлсозлик соҳасидаги ишлар сифати

устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига эътибор қаратди.

Шунингдек, дастурда хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг янада чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган аёлларни давлат бошқаруви органларининг барча соҳалари ва бўғинларига жалб қилиш, оилаларда тенг ҳуқуқли ва адолатли муносабатни, маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга оид тақлифлар илгари сурилаётганлиги қайд этилди.

Учрашув давомида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Сурхондарё вилояти бўйича минтақавий вакили, Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти доценти Абдурашид Артиков, халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгаши депутати, Жарқўрғон кичик бизнес ва энгил саноат техникуми директори Қизларшой Раҳматова, "Амударё" болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори, партия фаоли Шоҳида Холлиева, Термиз давлат университети юридик факультети 2-босқич талабаси Давлатбек Абдуқаҳҳоровлар сўз олиб, Президентликка номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастури алоҳида таъкидлади, юртпарвар ғоя ва мақсадлар жамланмаси эканлигини эътироф этиш баробарида, йиғилганларни кутилаётган муҳим сиёсий, тарихий тadbирда Робохон Махмудовага овоз беришга чақирди.



Сайловолди дастурида ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий адолатни ва миллий иқтисодий тизимнинг барқарор ўсишини таъминлаш, илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасини рағбатлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир тақлифларини илгари сураётган партия номзодининг навбатдаги учрашуви Бухоро вилоятида бўлиб ўтди.



Бухоро давлат тиббиёт институтида ташкил этилган учрашувда Президентликка номзод Робохон Махмудова Сайловолди дастуридан ўрин олган устувор йўналишлар хусусида сўз юритиб, иқтисодий ислох қилиш борасидаги мақсадларига алоҳида тўхталди.

Унга кўра, номзод дастурида субсидиялар бериш тизимини янада такомиллаштириш ва мақсадли ишлатилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, божхона ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириш, имтиёزلарни аниқ соҳаларга бериш, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий бир хил ўсишни таъминлаш, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантиришни назарда тутувчи тақлифлар илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудованинг сайловчилар билан учрашувлари давом этади.

Унда Президентликка номзод ўз Сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар борасида сайловчиларга батафсил маълумот берар экан, педагог ходимларнинг обрў-эътиборини ошириш ҳамда юксак мақомини белгилаш орқали уларнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган мақсад ва вазифаларни ҳақида йиғилганларга маълум қилди.

Бу борада номзод дастурида ўқитувчининг мақомига оид қонуни тезроқ қабул қилиш, мактабгача ва мактаб таълими мамлакат келажаги учун халқ қилувчи аҳамиятга эгаллигидан келиб чиқиб, барча боғча ва мактабларга ходимларни ишга олишни очик, шаффоф ва танлов асосида ташкил қилиш назарда тутилмоқда.

– Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 52-моддасида давлат ўқитувчининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиши, уларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан фаровонлиги,

касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши ҳақидаги норма ўз аксини топди, бу эса кўзлаётган устувор мақсадларимизни амалга оширишда мустаҳкам конституциявий асос бўлиб хизмат қилади, – деди Президентликка номзод сайловчилар билан учрашув чоғида.

Шунингдек, номзод дастурида ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид "Ижтимоий давлат – 2030" дастурини ишлаб чиқиш, "Ақлли тиббиёт" тизимининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, соҳага замонавий ахборот технологияларини янада кенгроқ жорий этиш, йўлсозлик соҳасидаги ишлар сифати устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришни назарда тутувчи қатор тақлифлар илгари сурилаётганлиги таъкидланди.



13 июнь куни қашқадарёлик сайловчилар билан ўтказилган учрашув ҳам қизиқарли ва самарали кечди.

Қашқадарё вилояти Косон тумани Маданият марказида ўтказилган учрашувда Президентликка номзоднинг ишончли вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, корхона-ташкilotлар ишчи ходимлари, тadbиркорлар, партия фаоллари ва электроти ҳақида кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Унда Президентликка номзод ўз Сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар борасида сайловчиларга батафсил маълумот берар экан, педагог ходимларнинг обрў-эътиборини ошириш ҳамда юксак мақомини белгилаш орқали уларнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган мақсад ва вазифаларни ҳақида йиғилганларга маълум қилди.

Бош мақсад – ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамияти қуриш

Сиёсий майдонда халқчил ва ҳаётий ғоялари билан ўз ўрни ва обрўсига эга бўлган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўз номзодининг дастури орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдидан Ватанимиз тараққиёти йўлида демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат ва барча учун фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг социал-демократик моделини таклиф этмоқда.

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси**

Ҳаммамизга яхши маълум, яқиндагина бўлиб ўтган референдумда халқимиз алоҳида фаоллик, катта ишонч билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қўллаб-қувватлаб овоз берди. Албатта, бунинг замирида катта ҳаётий ҳақиқат, халқимиз орзу қилган янги ҳаётни қуриш мақсади мужассам. Зеро, адолатли жамият, демократик, ҳуқуқий давлат қуришига азму шижоат қилган эл борки, аввало, фаровонлик йўлидаги ислохотларни ўз Конституциясида акс эттиришга, бунда инсон кадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини барча қадриятлардан устун қўйишга ҳаракат қилди.

Албатта, янги таҳрирдаги Асосий Қомусимизнинг қабул қилиниши масаланинг бир қисми, холос. Галдаги асосий вазифа Конституциянинг устувор талаб, меъёр ва тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, улардан элимизнинг фаровон ҳаёти, муносиб турмуш тарзини янада яхшилашга самарали фойдаланишни иборатдир. Токи халқимиз Бош Қомусимизнинг ҳаётбахш руҳини ҳис этиб турсин.

“Адолат” социал-демократик партиясида Ўзбекистон Президентлигига номзод Робохон Махмудова халқимизнинг, шу жумладан, партиянинг асосий электорати бўлган юқори малакали мутахассислар, бюджет соҳалари ходимлари, педагоглар, шифокорлар, муҳандис-техник ва илм-фан, хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари ҳаёти ва фаровонлиги янада юқори даражага кўтариллиши мақсад қилган ҳолда, ўз дастурида қатор устувор вазифаларни илгари сурмоқда.

Дастурда конституциявий аҳамиятга молик тушунчалар, хусусан, ҳуқуқий давлат, ижтимоий адолат, миллий иқтисодиёт, илм-фан, инновациялар, таълим, аҳоли саломатлиги, фуқаролик жамияти, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни каби кўплаб давримиз учун долзарб бўлган йўналишлар қамраб олинган.

ПИРОВАРД МАҚСАД – ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ

Дастурда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, “Адолат” социал-демократик партияси учун олий қадрият бу – инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидир!

Эътиборли томони шундаки, дастурнинг деярли бешдан бир қисмини ташкил этган биринчи йўналиш мамлакатимизда ҳуқуқий давлат бунёд этиш мавзусига бағишланган. Сабаби инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Шу боис, дастурда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун, биринчи галда, судлар мустақиллигини таъминлаш ва шу мақсадда судьяларнинг ҳалқ депутатлари кенгашларига ахборот бериш амалиётини бекор қилиш таклифи илгари сурилган.

Бундан қўланган мақсад, аввало, Асосий Қомусимизда судлар доир бўлган талабларни ҳаётга татбиқ этиш йўли билан уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Ҳаммамизга маълум, ҳозирда судьяларнинг халқ депутатлари кенгашларида мунтазам равишда ўз фаолияти хусусида берган ахборотлари давомийда ўзлари томонидан чиқарилган суд қарорлари, айрим пайтларда эса ҳали юритувда бўлган ва ниҳоясига етмаган ишлар бўйича савол-жавоб қилишга мажбур бўлмоқда.

Тўғри, депутатларимиз ҳам ўз сайловчилари манфаатидан келиб чиқиб савол-жавоб қилиши табиий, лекин бу, бугун биз мустақил деб атаётган судлар фаолиятига тўғридан-тўғри аралашши эмасми? Бир қатор илгор ҳорижий мамлакатларда бундай ҳолат судлар мустақиллигига таҳдид соладиган омил сифатида баҳоланади.

Шу боис, янгиланган Конституцияимизнинг 130-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партия-

лардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши, 136-моддасида эса судьялар ҳисобдор бўлмастлиги қатъий белгиланиб, уларнинг фаолиятига аралашши омиллари бартараф этилди.

Шу билан бирга, “Адолат” социал-демократик партиясида номзод судларни ҳаётда ҳақиқатан адолат кўргонига айлантиришга эришиш мақсадида судьялар сонини кўпайтириш, уларнинг иختисослашувини янада кенгайтириш, жумладан, оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид низолар бўйича иختисослаштирилган судьялар корпусини шакллантиришни таклиф этади.

Судьялар фаолиятидаги бундай ўзгаришлар одил судлов сифат ва самардорлигини кўтаришга қаратилган. Агар масалага оддий кўз билан қарасак, шиддат билан ўзгараётган бугунги замонда ҳаётимизнинг барча жаҳазларига тегишли кўплаб янги қонунлар қабул қилиб борилмоқда.

Бундай вазиятда ҳар қандай юқори билимли ва катта тажрибага эга ҳуқуқшунос ҳам барча соҳалардаги ўзгаришларни мукамал ўзлаштириб, қамраб олиши қийинлигини инкор этиб бўлмайди. Энг асосийси, суд ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фуқаро ва тadbirkorлар сансоарлигининг олдини олиш учун судьяларнинг соҳалар бўйича иختисослашувини кенгайтириш зарур бўлади.

Масалан, оилавий судлар АҚШ, Хитой, Германия, Сингапурда самарали фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, 2022 йил давомида Ўзбекистонда 56 интеллектуал, 58 минг 403 солик, 40 минг 198 оилавий низолар, 48 минг 857 вояга етмаганлар билан боғлиқ иш кўриб чиқилгани, бу ишларнинг барчаси иختисослашмаган судьялар раислигида ҳал этилганлиги масалага янгича ёндашувни тақозо этади. Шунинг учун ҳозирда энг долзарб ҳисобланадиган соҳалар, яъни оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолият кўрсатаётган судьялар орасидан танлаб олиб, уларни иختисосликка йўналтириш керак бўлади.

Жамиятда қонун асосида яшаш ҳаёт тарзимизга айланиши зарур. Бунинг учун, энг аввало, Конституция ва қонунларнинг устуллигини таъминлашимиз шарт. Бу борада Конституцияимизда илгор ҳуқуқий механизмлар қўзда тутилган бўлиб, жумладан, давлат ҳизматида ишга қирадиган ҳар бир ходимни Конституцияни билиши бўйича синовдан ўтказиш лозимлиги ҳақидаги таклифи илгари сурилган.

Бундай тартиб жорий этилиши, албатта, ўз самарасини бермай қолмайди. Чунончи, Асосий Қонунимизнинг қатъий мезонларидан хабардор иш берувчи рақбар ҳеч қачон кўл остида ишловчи ходимга нисбатан ноқонуний йўл тутмайди, шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлади. Зеро, қонунларни билган оддий фуқаролар ҳам ҳуқуқбузарликдан ироқ бўлади. Демак, бу орқали биз мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар содир бўлишининг ҳам олдини олган бўламиз.

Умуман олганда, партиядан кўрсатилган номзод амалдаги қонунчиликка киритилган илгор нормаларни ҳаётимизга изчиллик билан татбиқ этишда фаол қатнашишини маълум қилган.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири, шубҳасиз, бу – инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли таъминланишидир. Бунда эса адвокатура институтини ривожлантириш борасида наватдаги қадамларни қўйишда,



жумладан, улар учун ҳуқуқий меъёрларда белгилаб берилган ваколат ва имкониятлар ҳаётга тўлақонли татбиқ этилишида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясида Президентликка номзоднинг ўз қарашлари бор, албатта.

Бу мақсадга эришиш учун адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада яхшилаш чораларини кўриш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, дастурда кам аҳамиятли хатолар учун нотариуслар фаолиятини тўхтатиб туриш амалиётига барҳам бериш, биринчи марта эки қўпол бўлмаган хатолар учун нотариусларга жарима қўллаш амалиётини йўлга қўйиш таклиф этилган. Чунки ҳудудларда шусиз ҳам етарли бўлмаган нотариусларнинг фаолияти вақтинча тўхтатиб турилиши орқасидан оддий фуқаролар турли оворагарчиликларга дуч келмоқда. Бу, ўз навбатида, уларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, “Адолат” социал-демократик партияси маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари устида депутатлик назоратини кучайтириш орқали халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ролинини ошириш тарафдори. Ушбу йўналишда партия давлатда бошқарув интизомини сақлаб қолиш мақсадида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари ҳокимларга нисбатан ишончсизлик билдириш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

ИЖТМОИЙ АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ ЙЎЛИДА

Анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламли дастурларининг амалга оширилишини таъминладиган кучли ижтимоий давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси барча соҳаларда ижтимоий адолатни қарор топтиришни ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этади.

Янгиланган Конституцияимизда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланган. Ушбу нормани амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликимизда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонуна эид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда (бозор қийматида) қопланиши таъминланиши кафолатланмоқда.

Номзод дастурида мазкур конституциявий қондини таъминлаш учун ўз даромади билан уй-жойли бўлиш имкониятига эга бўлмаган фуқароларга қўшимча имкониятлар яратиш чораларини кўриш белгиланган. Жумладан, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича “Ижтимоий давлат – 2030” дастурини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилмоқда.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ – УЛКАН БОЙЛИК

Номзод давлат ҳисобидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш, ижтимоий дорихоналарни ривожлантириш, оғир ка-

салликларни давлат томонидан даволашни кенгайтиришни қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувлар ортдан беморларга ҳаддан зиёд кўп дори сотиб олишга ундаш авжига чиқиб кетганлиги бор гап ва бу салбий ҳолат барчамизни ташвишга солмоқда.

Афсуски, Ўзбекистон антибиотиклар истеъмоли бўйича жаҳонда етакчи ўринларга чиқиб кетди. Тиббиёт муассасаларидаги айрим тadbirkorларга очикчасига фармацевтика ташкилотлари томонидан ҳоимийлик қилинади. Бунга чек қўйиш вақти келди. Миллат соғлиги ва генфонди ҳам шу масалаларга боғлиқ.

Тиббиёт соҳасидаги бундай муносабатлар тўғриван-тўғри коррупция сифатида баҳоланиши лозим. Тиббиётчилар ва фармацевтлар ўртасида ноқонуний мулоқот тўлиқ тақиқлана керак, бундай мулоқотлар ва энг ичиди берилатган совғалар учун жазо муқаррар бўлиши, янги дорилар ва даволаш услублари фақат вазирлик томонидан тушунирилиши лозим. Умуман, партиядан номзод тиббиёт соҳасидаги давлат харидлари бўйича алоҳида тартиб белгилаш тарафдори.

Шундай қилинса, дориларнинг ягона электрон базасини янада такомиллаштириш орқали дори-дармонларнинг ноқонуний айланмасига, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари ўртасидаги яширин келишувларга ҳамда дорилар нархининг асосисз оширилишига чек қўйилади.

Дастурда соғлиқни сақлаш тизимини ижтимоий давлат тамойилига мувофиқлаштирилган ҳолда “Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси” лойиҳасини янада такомиллаштириш, унда соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлишини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Зеро, аҳолининг кафолатланган тиббий хизматлардан фойдаланиши янгиланган Асосий Қомусимизда ҳам ўз аксини топаган. Бу аҳоли соғлигини ишончли муҳофаза қилиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юкумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясида кўрсатилган номзод нодавлат тиббиёт ташкилотларини тижорат ташкилотидан нотижорат ташкилотга ўтказиш бўйича амалий чораларни кўриш тарафдори. Бунда хусусий тиббиёт муассасаларининг ҳам пировард мақсади фақат даромад олиш эмас, балки рақобатбардорлик муҳитида аҳолига сифатли ва кафолатли тиббий хизмат кўрсатишга қаратилган бўлиши лозим. Зеро, инсоннинг энг катта бойлиги бўлган саломатлигини сақлашга қаратилган тиббиёт даромад олиш манбаига айланмаслиги керак.

ТАЪЛИМ РИВОЖИ – ТАРАҚҚИЯТИМИЗ КАФОЛАТИ

Маълумки, янгиланган Конституцияимизнинг 52-моддасида давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиши, уларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида гамжурлик қилиши ҳақидаги норма ўз аксини топди.

Шундан келиб чиқиб, номзод дастурида ўқитувчининг обрў-эътибори – бу аввало, миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътибори эканига алоҳида ургў берилган. Партия педагог ходимларнинг нуфузини ошириш ҳамда юксак мақомини белгилаш орқали уларнинг жамият ҳаётдаги ролинини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий чораларни

кўриш тарафдори. Шу мақсадда ўқитувчининг мақомига оид қонуннинг тезроқ қабул қилиниши дастурда устувор масала сифатида эътироф этилган.

Узлуқсиз таълим тизимининг барча босқичида замонавий илм-фан технологияларининг татбиқ этилиши муҳим роль ўйнайди. Шу боис, номзод 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларининг бакалавриат йўналишига кириш учун инглиз тилини билиш бўйича миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиш тартибининг жорий этилиши таклиф қилади. Бу, ўз навбатида, талаба ёшларимизнинг халқроқ даражада рақобатбардор мутахассис бўлиб етишишига хизмат қилади.

Дастурда илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш орқали фан – таълим – ишлаб чиқариш тизимларининг узвий алоқадорлигини таъминлаш лозимлиги қайд этилган. Дарҳақиқат, адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишда таълим, илм-фан ва инновацияларнинг аҳамияти беқиёс. Шу сабабли, дастурда нафақат олимларни, балки ихтиро ва ихтирочиларни ҳам қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига нисбатан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, иқтисодиётнинг ҳақиқий драйвери бўлган муҳандис, технолог, агроном-механизатор каби мутахассислар сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш чоралари ҳам устувор вазифалар сифатида келтириб ўтилган.

Мамлакатимизда илмий тадқиқотлардан олинган ижобий натижаларни тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва биотехнологиялар, гидрология ва сув муаммолари, энергетика, муқобил энергия манбалари ва ресурстежамкор технологиялар, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳаларга жорий қилиш ишларини изчил олиб бориш орқали давлатнинг иқтисодий қудрати янада мустаҳкамланади, албатта.

Миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиши – фаровон ҳаётимизнинг кафолати. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда иқтисоднинг реал секторида илмий ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш даражаси, илм-фан, таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари нисбатан паст бўлиб қолмоқда.

Шу боис, дастурда мамлакатимизда инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капиталини илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш йўлидан бориш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, бугунги кунда республикамизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, соҳада самардор лойиҳалар ишга туширилмоқда. “Адолат” социал-демократик партиясида кўрсатилган номзод муқобил энергия манбалари ва ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш юзасини қўллашга алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳақида, бу жараён рағбатлантирилиши, зарур ҳолларда муқобил энергия манбалари кам таъминланган аҳоли қатламларига давлат ҳисобидан иттифоқчи берилишини янада кўпайтириш зарур, деб ҳисоблайди.

Зеро, партия мамлакатимизда саноатни янада ривожлантириш тарафдори. Саноат эса электр энергияси ривожлантиришда, бунинг учун нафақат атом энергетикаси, балки муқобил электр манбаларидан кенгроқ фойдаланиш чораларини кўриш таклиф этилмоқда.

Табиийки, республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмий асосда ташкил этиш, фан ва амалиётнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш яқин келажакда Ўзбекистоннинг аграр соҳадаги улкан имкониятларини рўёбга чиқаришда, қишлоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда, камбағаллик муаммоларини ҳал этишда ижобий натижага беради.

Бироқ бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида об-ҳавонинг кес-

кин ўзгариши, сув танқислиги, ер шўрланиши каби хатарлар орғиб бормоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар ҳамда жисмоний шахсларнинг катта муаммоларидан бирига айланмоқда.

Номзод қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва сугурталанишнинг янги механизмларини амалга ошириш тарафдори. Бу борада номзод дастурида қишлоқ хўжалигида сугурталаш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жумладан, “Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини сугурталаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилган.

Янгиланган Конституцияимизнинг 67-моддасида монопол фаолият қонун билан тартибга солиниши ва чекланиши алоҳида белгилаб қўйилгани бежиз эмас, албатта. Зеро, иқтисодиёт фақат эркин рақобат муҳитидагина ривож топади.

Номзод ижтимоий объектлар ва энг муҳим стратегик объектларда давлат мулкни сақлаб қолиш тарафдори, лекин бунда фуқароларга танлов имкониятини берадиган хусусий сектор ҳам ривожлантирилиши керак, деб ҳисоблайди. Шундангина ижтимоий адолат таъминланган бўлади.

Шу билан бирга, партия ижтимоий аҳамиятга молик, фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти учун янада қулай шароитлар яратиш ҳамда ҳоимийлик фаолиятини кучайтириш тарафдори.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида муаммоларни ҳал қилишдаги фаол иштироки партиянинг доимий диққат-эътибори марказида бўлади. Зеро, кишилик тараққиёти ҳамisha кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари олга юришдан иборат бўлган. Шундай экан, мамлакатимиз фуқароларининг турли нодавлат нотижорат ташкилотларида фаолият юритиши айни пайтда уларнинг ҳуқуқий, сиёсий, маърифий билими ошишига, маънавияти юксалишига, ватанпарварлик туйғуси кучайишига хизмат қилади.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш, аҳолининг маънавий юксалиши ва моддий фаровонлиги орғиши учун партия ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг, жумладан, маҳаллаларнинг тараққий этишини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, дастурда ОАВ мустақиллиги ва эркинлиги, журналистнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни янада кенгайтириш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири экани алоҳида қайд этиб ўтилган.

Албатта, эркин матбуотсиз жамият тараққиётини тасоввур этиб бўлмайди. Оммавий ахборот воситалари ҳамма замонларда ҳам халқ ва ҳокимият ўртасидаги ишончли кўприк бўлиб қолиши лозим.

Олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг очик ва ошкоралигини таъминлашда ОАВнинг фаолиятини янада ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устида жамоатчилик назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда унинг ролинини кучайтириш, моддий-техник базасини янгилаш, ушунинг билан модернизация қилиш, журналист касби нуфузини ошириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари ҳам дастурдан ўрин олган.

Номзод дастурида шу ва шу каби қўллаб аҳамиятга молик олийжаноб ва эзгу мақсад-вазифалар белгиланган. Улар адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуришга – ижтимоий ислохотлар самардорлигини таъминлаш, меҳнатқаш халқимиз учун муносиб фаровон ҳаётни барпо этиш, мамлакатимизда барқарорликка ва ижтимоий адолат устуворлигига эришишга қаратилгани билан аҳамиятlidir.

Ишонимизки, партиянинг бундай улғувор мақсадлари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади!

Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз. Шундай экан, унинг ҳар бир фуқароси эркинлик ва адолат, тинчлик ва фаровонликда яшашга ҳақlidir!

Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлатни биргаликда қурамиз!

Она Ватанимизнинг барча фуқароларини Президент сайловда фаол иштирок этишга чакирамиз!

“ADOLAT” шархи

САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ,

уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокининг асосий шаклидир. Сўнги йилларда юртимизда сайловлар халқаро умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартлари, сайлов ҳуқуқи принциплари асосида демократик, очиқ ва шаффоф, ошкора ўтганлигини алоҳида эътироф этиб ўтиш лозим.

Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори

Сайловларнинг ҳар томонлама демократик руҳда ўтишида сайлов комиссиялари, уларнинг аъзоларининг ўрни ва роли ниҳоятда муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларни самарали ташкил этиш ва ўтказишда тегишли тизимлашган сайлов комиссияларининг фаолият юртиши назарда тутилган. Хусусан, мазкур сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссияси, участка сайлов комиссияси фаолият олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган низомлар сайлов комиссияларининг фаолиятини тартибга солувчи норматив базани ташкил этади.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАҚОМИ ҚАНДАЙ ВА УНИНГ АЪЗОСИ БЎЛИШ УЧУН ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДА ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 129-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссиялари тизимига бошчилик қилади, ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига амал қилиши белгиланган қўйилган.

Марказий сайлов комиссияси алоҳида конституциявий орган бўлиб, у доимий тарзда фаолият олиб боради. Таққослаш учун шуни айтиш кераки, қатор давлатларда сайловларни ташкиллаштирувчи ва ўтказувчи мустақил, марказлашган органлар тизими мавжуд эмас ва сайловни ташкил этиш вазифаси ижро этувчи ҳокимият органлари зиммасига юклатилган. Масалан, Германия, Австрия, Франция давлатларида Ички ишлар вазирлиги, Финляндияда Адлия вазирлиги сайловлар жараёнларига бошчилик қилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловини, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита ташкил этилган. Унинг ваколатларида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Сайлов кодексининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлаш белгиланган.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Сайлов кодексида Марказий сайлов комиссияси аъзоси бўлиш учун бир қанча талаблар белгиланган бўлиб, улар жумласига, йигирма беш ёшга тўлган бўлиши, қонда тарққасида, олий маълумотга эга бўлиши, сайлов қонунчилигида белгиланган талаб бўйича аъзоларнинг сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган бўлиши, шунингдек, қандад охириги беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган бўлиши лозим.

Сайлов комиссиялари таркибини шакллантиришда гендер тенглик тамойилларига ҳам амал қилиниши қонунчилигида белгиланган. Ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссияси таркиби 21 кишидан иборат бўлиб, тарққбнинг 7 нафар аъзоси аёллардан иборат. Ушбу норманинг қонунчилигида акс этиши мамлакатимизда гендер тенглик масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

ОКРУГ ВА УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловларини ташкил қилиш ва ўтказишда округ ва

участка сайлов комиссияларининг ўрни ва роли ниҳоятда юқори ҳисобланади. Сайлов кодексининг 21-24 моддалари округ ва участка сайлов комиссияларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган беради. Унга мувофиқ, йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга эга бўлган, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлишлари мумкин.

2023 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонундан келиб чиқиб, Сайлов кодексининг бир неча моддаларига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Сайлов кодексининг 25-моддасига қимлар округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмаслигининг кенгайтирилган таркиби белгиланган бўлибди. Булар: Қонунчилик палатаси депутати, маҳаллий Кенгаш депутати, Сенат аъзоси; бошқа сайлов комиссиясининг аъзолари; сиёсий партияларнинг аъзолари ва ваколатли вакиллари; вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари; прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари; номзодлар, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари; номзодларга бевосита буйсунувчи шахслар; оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари аъзоллигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Сайлов кодекси ва 2021 йил 14 апрелда Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, округ сайлов комиссияси: *тегишли ҳудудда Сайлов кодексининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш; сайлов участкаларини тузиш; участка сайлов комиссияларини тузиш ва участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириш; номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этиш учун тенг шароитларни таъминлаш; сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ва уларни тегишли Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиш каби муҳим ваколатларни бевосита амалга оширади.*

Сайлов жараёнларининг жойларда ўтказилиши учун биринчи галдаги масъулият участка сайлов комиссияларига юклатилган. Шу боис, сайловлар жараёнда аҳоли билан бевосита ишловчи ва овоз беришни ташкил этувчи орган сифатида участка сайлов комиссияси фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Участка сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Сайлов кодексида киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайлов жараённинг иштирокчилари ўзларига юклатилган вазифа ва ваколатларини, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонун доирасида, юксак масъулият билан ҳамда виждонан бажаришлари лозим бўлади.

САЙЛОВЛАРДА ҚУЗАТУВЧИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Сайловларда қузатувчилар ҳамда ОАВ вакилларининг иштироки ва ўрни муҳим аҳамият касб этади. Сайлов кодексининг 6-бобда қузатувчиларнинг, сиёсий партиялар ваколатли вакилларининг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловини қатнашадиган қузатувчилар икки хил тоифага бўлинади: халқро қузатувчилар ва маҳаллий қузатувчилар. Қузатувчилар институти сайловларнинг очиқ, шаффоф, адолатли тарзда ўтишини кафолатловчи механизм ҳисобланади. МСК аккредитация қилинган хорижий қузатувчи мандат беради, мандат эса хорижий қузатувчи сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятини амалга ошириши учун ҳуқуқий асос ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, маҳаллий қузатувчиларга, яъни сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кўрсатилган қузатувчиларга Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси томонидан мандатлар берилади.

Сайлов қонунчилигига қўра, қузатувчилар сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш, номзодлар кўрсатишга бағишланган йилгишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашуварларида иштирок этиш, овозлар санаб чиқилаётганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузилаётганда ҳозир бўлиш, сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш каби бир қанча ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, белгиланган ҳуқуқлардан ташқари, қузатувчиларнинг тақққланган хатти-ҳаракатлари ҳам белгиланган. Хусусан, қузатувчиларнинг сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш каби насаида ёки насаиди бўлиши, фуқароларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материални ёки адабиётини тарқатиши, сайловчилардан улар қандай овоз берганлигини суриштириши ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиши, сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов кўпчилигини муҳрлашга, уларни очишга, овозларни санаб чиқишга аралашини тақққланади.

Сайлов кодексининг 35-моддасига қўра, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов кунини овоз бериш биноларида ҳозир бўлиш, шу жумладан, овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга.

Сайлов кампанияси жараёнида ОАВ вакили қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади: *сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш; сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш; муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараённи қузатиш; сайлов кунини овоз бериш хоналарида, шу жумладан, овозларни санаб чиқишда ҳозир бўлиш; сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш. ОАВ вакиллари сайловчиларга таъсир ўтказиш, қонуна хилоф равишда бирон-бир ташвиқот материални ёки адабиётини тарқатиши, сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш каби насаиди ёки насаиди бўлиш, сайловчилардан улар кимни ёклаб овоз берганликларини суриштириш каби ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин эмас.*

Дарҳақиқат, бўлажак сайловларнинг юқори демократик савияда очиқ ва ошкора ўтказилиши республикамиз оммавий ахборот воситалари ва журналистларидан катта масъулият, профессионаллик, ҳолислик, тезкорлик ва юксак фуқаролик позициясини талаб қилади.

Қонунбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган

Бугун халқимиз муҳим сиёсий воқелик – Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлов арасида турибди. Ҳамюртларимизнинг сайловга оид билимларини мустақамлаш биз судьяларнинг зиммасига ҳам масъулият юклайди.

Жамила АКРАМОВА,
Фарғона туманлараро иқтисодий судининг судьяси

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда Жиноят кодексида сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Буни сайловчиларимиз яхши билишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51²-51⁴ – моддаларида сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қоралари ўз аксини топан. Масалан, кодексининг 51²-моддасига асосан *Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларининг фаолиятига аралашини, шунингдек, уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

Кодексининг 51³-моддасига мувофиқ эса *Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларининг қарорларини ижро этмаслик, ушбу комиссияларнинг мувожаатларини кўриб чиқишни гайриҳуқуқий равишда рад этиш ёки кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима билан жазоланади.*

Яна бир ҳуқуқбузарлик – номзоднинг, ишончли вакилнинг, қузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузганлик учун кодексининг 51⁴-моддасида маъмурий жавобгарлик қоралари қайд этилган. Яъни, бундай ҳолат мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдордаги жарима жазосини юзага келтиради.

Шунингдек, кодексининг 51⁴-51⁵ - моддаларига қўра, *сайловчи ташвиқотини олиб бериш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиш, сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлгон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш, айна жараёнда ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст etkazиш, биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст etkazиш, сайловни илтилоштириш тартибини бузиш ҳамда жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижаларини тахминларини, шунингдек, сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тақққотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш учун маъмурий жарима жазолари қўлланилади.*

Жиноят кодексининг 146-моддасида сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбақлаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Унга қўра, бундай қилмиш базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олти миш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан ўн йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кодексининг 147-моддасига асосан эса фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловчи тартибини олиб бериш ҳуқуқларини бузганлик, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахсининг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишлари ва, шунингдек, фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишлари ва зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсиқлик қилганлик учун тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.



2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

SAYLOVCHI SAYLOV BYULLETENINI SURATGA OLIB IJTIMOY TARMOQLARGA JOYLASA BO'LADIMI?



Saylov byulletenini to'ldirilgan holda yoki uni to'ldirish jarayonini suratga yoki videoga olish, olingan tasvirlarni tarqatish, shu jumladan ijtimoiy tarmoqlarga joylashtirish taqiqlanadi. Ushbu xati-harakat saylovning yashirin ovoz berish prinsipini buzish demakdir.

Hurmatli fuqarolar yashirin ovoz berish prinsipini saqlagan holda, saylov byulletenini ovoz berib bo'lgach suratga olib ijtimoiy tarmoqlarga joylashtirmasligingiz so'raladi.





Фракция йиғилиши



ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ РАҚАМЛАРДАГИ ИФОДАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йилдаги ҳамда 2023 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.

Депутатлар тақдим этилган ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети ижросида ижтимоий соҳаларни, жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирларнинг молиялаштирилишига алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, фуқароларни зарур дори воситалари ва сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш, тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш, уларни ҳар то-

монлама қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилди.

Биргина 2022 йилда Соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар миқдори 27 288,3 млрд. сўм ёки 2021 йилга нисбатан 3 971,4 млрд. сўмга кўп маблағлар ажратилди. Соғлиқни сақлаш тизимидаги муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг иш ҳақи ва ажратмаларини молиялаштиришга 18 273,4 млрд. сўм йўналтирилди.

Шунингдек, болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш дастури бўйича 47,5 млрд. сўмлик харажатлар амалга оширилди. Оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёл-

лар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва тиббиёт воситалари билан қўшимча таъминлаш дастурига 33,4 млрд. сўм ўзлаштирилди.

Ҳисобот даврида репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини кенгайтиришга 7,1 млрд. сўм молиялаштирилган бўлса, болаларни ҳамда туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан бекуп таъминлаш дастурига эса 48,3 млрд. сўм сарфланди.

"Электрон соғлиқни сақлаш" тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш дастури бўйича 2022 йилда 76,7 млрд. сўмлик харажатлар амалга оширилди.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари томонидан онкология ёрдамидан такомиллашти-

риш ва онкология хизматини янада ривожлантириш дастури бўйича ҳисобот йилида 93,2 млрд. сўмлик харажатлар эвазига онкологик касалликларни I-II-босқичларда эрта аниқлаш кўрсаткичлари даражаси 100 фоизга бажарилгани ижобий баҳоланди.

Шу билан бирга депутатлар аҳолини етарли даражада ва арзон дори воситалари билан таъминлаш, уларнинг нархларидаги кескин тафовутларни бартараф қилиш, иқтидорли, малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш бўйича зарур тавсиялар бердилар.

Шу билан бирга депутатлар аҳолини етарли даражада ва арзон дори воситалари билан таъминлаш, уларнинг нархларидаги кескин тафовутларни бартараф қилиш, иқтидорли, малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш бўйича зарур тавсиялар бердилар.

Юзма-юз мулоқот

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоиловнинг Наманган вилояти Давлатобод тумани "Мустақиллик" ва "Навбахор" МФЙ аҳолиси билан ўтказган очиқ мулоқотлари гоյат самарали кечди.

МУРОЖААТЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА



Учрашувда депутат мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий соҳаларда бўлаётган янгиликлар, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қонунлар, айниқса, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида кенгроқ маълумотлар берди.

Хусусан, янгиланган Конституция "Инсон – жамият – давлат" парадигмасига асосланганини, унда аҳолининг барча тоифалари ҳуқуқ ва манфаатлари акс этганини, айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари сезиларли даражада кучайтирилганини алоҳида таъкидлади.

Очиқ ва самимий мулоқотлар давомида аҳоли вакиллари ичимлик сув таъминоти, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш сифати, чиқиндилар билан боғлиқ ва бошқа қатор муурожаатлари тингланди. Ҳар бир муурожаат тегишли идоралар вакиллари иштирокида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этиш чоралари белгиланди.

Депутат Д.Исмоилов шу кунги Янги Наманган туманидаги "1-Ахсикент"

маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб, бу ерда аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларни кўздан кечирди.

Маҳалла фаоллари сўнгги йилларда Наманган вилоятида бўлаётган ўзгаришлар, айниқса, ушбу маҳалладаги янгилишлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Шу билан бирга ҳудуддаги серкатнов йўлдаги чорраҳага светофор ўрнатиш бўйича муурожаат қилишди. Депутат ушбу масалани ўз назоратига олиб, мутаассадилар билан биргаликда жойида ечим топди. Энди 5 кун мuddат ичида бу ерда светофор ўрнатилади.

— **Аҳоли билан бевосита мулоқот, юзма-юз учрашувларнинг таъсир кучи янада кўпроқ бўлиб, бундай жонли суҳбатлар жараёнида кўплаб масалалар жойида ҳал этилади**, — дейди депутат Д.Исмоилов. — **Вилоятдаги учрашувларимиз давомида ҳам ҳар бир фуқаро муурожаатини диққат билан тингладик. Кўплаб масалалар жойида ечимини топди.**

Семинар

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛДИ

Самарқандда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар таълим вазирларининг VII йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари фан ва таълим вазирликлари раҳбарлари, Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби иштирок этди.

Ўзбекистон Мактабгача ва мактаб таълими вазири Туркий давлатлар ташкилоти доирасида мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш борасида ҳамкорликни кучайтириш, қардош мактаблар дастурлари батафсил концепцияси ва йўл харитасини ишлаб чиқиш, Ташкилотга аъзо мамлакатлар миқёсида халқаро Ал-Хоразмий ёш математиклар олимпиадасини ташкил этиш ва маъзур олимпиадани келгуси йил Тошкент шаҳрида ўтказиш таклифларини билдирди. Бу ташаббуслар йиғилиш иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубанчибек Омуралиев ўз сўзида вазирлар йиғилишида таклиф этилган таълим соҳасида ҳамкорликдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашни билдирди.

— **Биз кеча ва бузунги учрашувлар доирасида туркий давлатлар ўртасида мактабгача, мактаб ва олий таълим соҳаларини янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдик ва муҳим келишувларга эришдик**, — деди К.Омуралиев. — **Ушбу йиғилиш якунлари бўйича таълим вазирликлари махсус дастурларни ишлаб чиқади. Олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро мобиллик алоқаларини мустаҳкамлаш, нуфузли олимпиадалар ўтказиш, стартап лойиҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш каби ташаббуслар туркий халқлар тараққиётига хизмат қилади. Ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши жаҳон стандартларига мос етуқ мутахассислар тайёрлашга имконият яратади.**

Таълим вазирлари йиғилишида олий таълим муассасалари ўртасидаги Орхун алмашинуви дастурининг ҳозирги ҳолати, Туркий давлатлар ташкилоти доирасида тармоқли университет таъсис этиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.



САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ:

Брайль алифбосидаги трафарет намунаси тасдиқланди

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мuddатидан илгари бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, сайловга тайёрларлик кўриш даврида Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган муурожаатлар, Президент сайловида халқаро ташкилотлардан катнашадиган кузатувчилар ва ОАВ вакиллари аккредитация қилишга доир масалалар кўриб чиқилди.



Мажлисида сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ҳамда ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда бўлиб ўтадиган ушбу сиёсий тадбирда барча фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловда иштирок этиши учун шарт-шароитларни яратиш борасида зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Шундан келиб чиқиб, мажлисида ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетенини тўлдириш учун Брайлль алифбоси асосида тайёрланадиган трафарет намунаси тасдиқланди. Шунингдек, ҳар бир сайлов участкасини ушбу трафаретлар билан таъминлаш чоралари белгиланди.

Мажлис кун тартибига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган муурожаатлар кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, ҳар бир муурожаат бўйича тегишли чоралар кўрилди. Муҳокамалардан сўнг муурожаатлар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисида халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Таъқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан ЕХҲТ ДИИХБнинг сайловни кузатуви миссияси вакили аккредитациядан ўтказилди. Шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг 159 нафар, хорижий оммавий ахборот воситаларининг 42 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди. Шу бугунга қадар аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари умумий сони 554 нафарни ташкил этмоқда.

Мажлисида муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мухтарама КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири

XORIJDAGI SAYLOV UCHASTKALARI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING CHET DAVLATLARDAGI DIPLOMATIK VA BOSHA VAKOLATXONALARI HUZURIDA TUZILADI.



Chet davlatlardagi O'zbekiston fuqarolari saylovchilar ro'yxatiga kirish uchun saylovdan 15 kun oldin yozma shaklda xorijdagi saylov komissiyalariga yoki O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligining rasmiy veb-sayti saylov.mfa.uz orqali elektron shaklda murojaat qiladilar.

Fuqaro murojaatida ko'rsatilgan shaxsga doir ma'lumotlar uch kun ichida tekshiriladi hamda saylovchilar ro'yxatiga kiritiladi.

Xorijdagi saylov komissiyasi fuqarolarni ovoz berish joyi va vaqti to'g'risida ogohlantiradi.

Fuqaro saylovchilar ro'yxatiga kiritilgandan keyin, aholi zich joylashgan hududlarda muddatidan oldin yoki saylov kuni xorijdagi saylov uchastkalarida ovoz berishi mumkin.

Ovoz berish xorijdagi saylov uchastkasi joylashgan hududdagi mahalliy vaqt bilan 8:00 dan 20:00 ga qadar amalga oshiriladi.

Ovoz berish xorijdagi saylov uchastkasi joylashgan hududdagi mahalliy vaqt bilan 8:00 dan 20:00 ga qadar amalga oshiriladi.

Ovoz berish xorijdagi saylov uchastkasi joylashgan hududdagi mahalliy vaqt bilan 8:00 dan 20:00 ga qadar amalga oshiriladi.



HUQUQIY DAVLATNI BIRGALIKDA QURAMIZ!

MAXMUDOVA
ROBAXON

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

✓ 9-IYUL

✓ **Хушхабар**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУЖЖАТЛАР

ЮНЕСКОнинг "Жаҳон хотираси" реестрига киритилди

Маълумки, 1992 йилда ЮНЕСКО ташкилоти ҳузурда "Жаҳон хотираси" реестри ташкил этилган бўлиб, ушбу дастурнинг асосий мақсади ҳужжатли мерос – қоғоз, аудиовизуал, рақамли ёки бошқа ҳар қандай форматдаги муҳим ва доимий қийматга эга бўлган ҳужжатлар ёки қайта тиклаб бўлмайдиган ҳужжатлар тўпламини йўқотилишининг олдини олиш, авайлаб-асраш ва кенг жамоатчиликка етказишдан иборат.



Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари



Шу пайтга қадар ЮНЕСКОнинг "Жаҳон хотираси" реестрига Ўзбекистон Республикасидан қуйидаги объектлар киритилган эди: 1) Тошкент шаҳрида сақланаётган муқаддас Усмон Қуръони, 2) Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалар тўплами, 3) Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари. Яқинда эса ЮНЕСКО ташкилотидан ажойиб хушхабар олдик. ЮНЕСКО Ижроя кенгаши 216-сессиясининг махсус резолюциясига мувофиқ дунё мамлакатлари тарихига оид яна 64 та, шу жумладан, Ўзбекистон тарихига оид 2 та ҳужжатлар тўплами ("Мавлоно куллийети ва Бухоро амирлигининг Қўшбеги маъмурияти архивлари тўплами) ЮНЕСКОнинг "Жаҳон хотираси" реестрига киритилди.

Энди реестрга киритилган ушбу ҳужжатлар тўплами ҳақида маълумот бериб ўтамыз:
1. Мавлоно куллийети – XIII асрда яшаган буюк сўфий устозлардан бири ҳисобланган шоир, файласуф, аллома ва илоҳиётчи Мавлоно Жаллоддин Румий асарларининг тўлиқ тўплами. Ўзбекистон ва Болгария, Германия, Эрон, Тожикистон ва Туркия томонидан тақдим этилган куллийет файласуфининг тўлиқ асарларини ўз ичига олади: "Маснавий", "Дивонэ Шамс", "Фихре ма фих" ("Мусобақалар"), Мажалеси Сабъа ("Етми ваъз"), Мактубат ("Мактублар"). Мавлононинг барча асарлари форс тилида ёзилган, бироқ уларнинг баъзилари араб, турк ва юнон иборалари ҳам мавжуд. Улар дунё бўйлаб минглаб қўлёзма нусхалари билан кўплаб тилларга таржима қилинган. Бу асарлар Шарқ мамлакатлари халқлари тарихи ва маданиятини ўрганиш нуқтаи назаридан жуда катта илмий аҳамиятга эга.

2. Бухоро амирлигининг Қўшбеги маъмурияти архивлари тўплами (Ўзбекистон томонидан тақдим қилинган). Ушбу тўплам Марказий Осиё ҳукмдорларининг Бухородаги энг йирик архивлари йиғиндиси. Унда ҳозирги Ўзбекистон, Туркистон, Тожикистон, қисман Афғонистон ҳудудидан 200 йилдан ортиқ вақт давомида содир бўлган тарихий воқеалар акс этган ҳужжатлар ўрин олган. Архивда Бухоро амирлигининг Россия, Буюк Британия, Туркия, Эрон, Афғонистон, Япония, АҚШ ҳамда Хива ва Қўқон хонликлари билан дипломатия алоқалари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар бор. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига сақланаётган кўпий араб, форс, ўзбек чағатойи, рус ва бошқа тилларда ёзилган 9,5 мингга яқин жилдан (200 мингга яқин алоҳида ҳужжат) иборат.

Ушбу ҳужжатлар ЮНЕСКО "Жаҳон хотираси" реестри учун ҳам жуда муҳим осори-аттика ҳисобланади. Авваломбор, Ўзбекистон билан боғлиқ асарлар номлари ва улар ҳақида маълумотлар халқаро даражада абадийлаштирилди. Бундан ташқари, реестр юқорида қайд этилган тўпламларнинг дунё бўйлаб янада оммалашшига, жумладан, улар бўйича илмий тадқиқотлар сонини янада ошишига хизмат қилади. Шу билан бирга, "Жаҳон хотираси" халқаро реестрига киритилиши лозим бўлган жонажон Ватанимиз тарихи билан боғлиқ ҳужжатлар ҳали кўпчилигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, ҳозирда "Узархив"да сақланаётган Қўқон хонлиги девонхонаси ҳужжатлари, шунингдек, қадимги сўғд ёзувлари, туркий тиллар тарихи, маданияти, этнографияси, тил ва ёзувлари тарихини ўрганишда қимматли манба бўлмиш Урхун-Енисей ёзуви ҳам мазкур реестрга киритишга ҳар томонлама муносибдир. Ҳозирда ушбу номзодномаларни тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотлар Самарқанд шаҳридаги Марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро институти томонидан олиб борилмоқда.



Чингиз АЙТМАТОВ: ТАФАККУР ИНСОН УМРИНИ УЗАЙТИРАДИ

Мен инсон табиатни қадрлай билиши, ундан завқ баҳра олиши кераклигини билман. Шунингдек табиатнинг бир парчаси, табиат унга яшаш учун берилган макон, яшганда ҳам фақат бир марта ақл ва завқ билан яшаш керак.

Инсон табиати шундай яратилганки, у тез-тез хато қилиб туради: ўткинчи ҳою ҳавасни кўпинча ҳақиқий Муҳаббат деб ўйлайди. Асл муҳаббат оғриқ билан келади.

Инсон гоҳ-гоҳ дуч келадиган ҳар бир муваффақиятсизликни бахтсизлик деб ҳисобламаслиги лозим. Ким билади дейсиз, балки ҳақиқий бахт кичик муваффақиятсизликдан бошланар?!

...Заминдан маҳрум қилиш мумкин, бойликдан маҳрум қилиш мумкин, ҳаётдан ҳам маҳрум қилиш мумкин. Лекин инсон хотирасига тажовуз қилиш... чидаб бўлмас фожиадир.

Ҳар бир янги авлод ўз ҳаётини бошқа мамлакатларда рўй берган кўтарилиш, тараққиёт билан таққослаб кўради ва таназул сабабларини қидиради. Агар таназул сабабларини тўғри топса, энди ўтмишдаги хатоларни такрорламасликка интилади, тўғри йўлга тушиб олишга ҳаракат қилади.

Табиатни қандай қилиб асраш, урушлардан, техникавий тараққиёт келтириб чиқарадиган кулфатлардан ҳимояланиш тўғрисида бош қотиришдан аввал маънавий маънода инсон қандай қилиб инсон бўлиб қолажанини, нафақат ақл-идрокли мавжудот шаклида эмас, балки ҳис қиладиган, виждонли инсон қандоқ бўлиши кераклигини билмоқ керак.

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъул котиб — Абдугани Содиқов
Навбатчи муҳаррир — Камол Матқубов

Таҳрират манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.

1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

info@adolatgz.uz
adolatgz-95@mail.ru



1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 600

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади – 16106
Босишга топширилган вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.00

Таҳриратга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳрират жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун бундани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.